O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 22-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 87 (27.262) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«РЕЗАКСОЙ» СУВ ОМБОРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Чуст туманида «Резаксой» сув омборини «Тўпалангсувгэсқурилиш» масъулияти чекланган жамияти ҳамда мамлакатимиз турли қурилиш ташкилотлари жамоаси бунёд этмоқда.

Сув омбори қурилишининг биринчи навбати учун 23,6 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ҳозир бу ерда иш қизғин давом этмоқда. 186 автомашина, 38 экскаватор, 22 бульдозер ва автогрейдер кучидан унумли фойдаланилмоқда.

Шу йилнинг биринчи июлигача 4,8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ушбу иншоот ишга тушгач, водий вилоятлари обиҳаёт билан тўла-тўкис таъминланади.

✧✧✧

Суратларда: ишлаб чиқариш бўйича бошлиқ муовини Ўрол Айматов ва иш юритувчи Сайфулло Қаландаров; «Резаксой» сув омбори қурилишидан лавҳа.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар



ЕХҲТга ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳайъати Венада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) томонидан ўтказилган «Сайлов стандартлари ва мажбуриятлари» мавзуидаги кенгашда иштирок этиб қайтди.

Мазкур халқаро ташкилот фаолиятида иштирок этаётган 55 давлат вакиллари анжуманда номзодлар ва сайловчиларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари, сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, сайлов кампаниясида хотин-қизлар иштироки, сайлов жараёнини ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан кузатилиши каби масалалар юзасидан фикр алмашишди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Хўжаева кенгаш иштирокчиларини Ўзбекистонда 2004 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган парламент сайловларига тайёргарлик жараёни билан таништирди.

ЕХҲТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори К.Штрохаль Ўзбекистон томонининг таклифига биноан ЕХҲТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси парламент сайловлари мониторингини ўтказиш учун мамлакатимизга халқаро кузатувчилар миссиясини йўллашни режалаштираётганини қайд этди.

«Жаҳон» АА

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ:

БУЮК АЖДОДЛАРИМГА МУНОСИБ БЎЛИБ ЯШАЙМАН

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ», деган пурмаъно сўзлари яна бир бор тасдиғини топди. 24 ёшли ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов жаҳонни лол қолдириб, шахмат тожини кийди.



«Ақл гимнастикаси» дея ардоқланадиган ажойиб ўйин бўйича жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлиш ўта мушкул. Бу борада жаҳон чемпионати ўтказила бошланган XIX асрнинг иккинчи ярмидан буён Рустам Қосимжоновгача атиги 16 киши бундай юксак шарафга муяссар бўлгани ҳам фикримиз исботидир. Спортнинг бошқа бирор турида жаҳон чемпионига нисбатан «жаҳон тожини кийди», деган иборанинг ишлатилмаслиги ҳам шундан.

Ҳамюртимиз халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов бугун шахмат оламининг шоҳи, «тож» унинг бошида.

— Неча минг йиллар муқаддам пайдо бўлган шахмат бугун замонамизнинг оммавий спорт турларидан бирига айланган, — дейди жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов. — Мазкур ўйин инсоннинг интеллектуал салоҳиятини оширади, хотирани мустаҳкамлайди. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам шахматни мароқ билан ўйнаган, уни жуда яхши билган. Акам Хуршид шахмат ўйнашни ўргатганида мен олти ёшда эдим. Шундан буён дона сураман.

Рустам ўз иқтидорини анча эрта намойиш қилди. 10 ёшида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. 1994 йилда ҳамюртимиз халқаро майдонда зафарли одим ташлади. Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида ғолиб чиққанида у 15 ёшда эди. Ёш шахматчимизнинг бу ютуғи мамлакатимиз Президенти томонидан юксак баҳоланди. Рустамга Юртбошимиз замонавий компьютер ҳадя қилди.

— Юртбошимизнинг совғасини олганимда беҳад қувондим, — дея эслайди Рустам. — Ўша пайтлари одамларимизда шахсий компьютер деярли йўқ эди. Хориждаги турнирларда иштирок этганимда моҳир шахматчилар мусобақаларга компьютерда тайёрланишини кўриб, шахсий компьютерим бўлишини орзу қилгандим. Чунки компьютер шахматчи учун жуда катта фойда беради. Илгари бирор машҳур шахматчининг ўйинларини китобларда ўқиш мумкин эди. Бунга кўп вақт кетарди. Компьютерда бўлса, кўплаб шахмат беллашувларини, партияларни, ўйинларни топиш, кузатиш, ўрганиш мумкин.

— Рустам, сиз ўсмир чоғингиздаёқ халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлгансиз. Бу мавқега 18 ёшгача эришган ер курраси-даги беш нафар шахматчидан бирисиз.

— Нимагаки эришган бўлсам, буларнинг барини истиқлол туфайли қўлга киритдим. 1997 йили Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ ўзининг 68-конгрессида менга халқаро гроссмейстер унвонини берди. Ўшанда менинг исмим ва ЎЗБЕКИСТОН номи дунёнинг 20 ёшгача бўлган энг кучли шахматчилари ўнлиги рўйхатидан жой олганида қалбим чексиз ғурур ва ифтихорга тўлганди. Буни ўша йилнинг 3 октябрида Президентимиз Ислом Каримовга йўллаган мактубимда ҳам эътироф этганман.

— Ўша мактубда муқаддас Ўзбекистоннинг Байроғини дунёнинг энг буюк шаҳарлари узра кўтариш ва Мадҳиямизнинг дунё осмони бўйлаб янграши учун бор куч-қувватингизни бағишлашга сўз бергандингиз. Мана, ваъданинг устидан чиқиб, жаҳон шахмат тожини кийдингиз. Жаҳон чемпионати таассуротлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ливия пойтахти Триполи шаҳрида юқори савияда ташкил этилган жаҳон чемпионатида дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар шахматчи қатнашди. Мен бу турнирга жиддий тайёргарлик кўргандим. Умуман олганда, мен шахмат билан Германиянинг Золинген шаҳрида шуғулланаман. Кўплаб таниқли шахматчилар каби бундес лигада ўйнайман. Бу ерда кучли рақиблар билан мунтазам беллашиб, тажриба тўплашимга имкон бор. Бу ўз навбатида жаҳон чемпионатида ҳам қўл келди.

Айниқса, мусобақада жаҳон вице-чемпиони, амалдаги Европа чемпиони Василий Иванчукни ютганимдан кейин ўзимга бўлган ишонч янада ортди. Қолаверса, айрим таниқли шахматчилар ҳам менга ишонч билдирди. Масалан, мен Александр Гришчук билан ўйнаётганимда Руминия чемпиони — Ливиодитер Нисепяну олдимга келиб, барчани кетма-кет ютаётган Веселин Топаловни фақат сен тўхтата оласан, деганди. Охир-оқибат унинг гапи рост чиқди.

Кейин финалда англиялик Майкл Адамсга рўбарў келдим. Кўпчилик рақибимнинг имкониятини юқори баҳолаган бўлсада, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд интернет орқали берган интервьюсида «ҳамма Майкл Адамсни жаҳон чемпиони бўлади, деб ўйлаяпти, бу нотўғри, ҳозир имкониятлар тенг. Агар ўйин тақдири тай-брейкка қолса, Рустам ютади» деб, мени жуда хурсанд қилганди.

В.Ананд тезкор шахмат — рапид менга қулайроқ эканини билади. Мен рапидда ўзимни анча эркин ҳис қиламан. Чунки рапидда тез қарор қабул қилиш, хотиржамликни йўқотмасдан, асабийлашмасдан дона суриш керак. Кўпинча мен бунинг уддасидан чиқаман. Чемпионат олдидан Люксембургда тезкор шахмат бўйича ташкил этилган турнир сўнгги тайёргарлик босқичи вазифасини ўтаганди. Бу Адамс билан тай-брейкда ўз фойдасини берди. Муҳим учрашув олдидан инглиз гроссмейстерининг рапид бўйича тажрибаси камроқ экани билиниб қолди. Мана шу омил тай-брейк давомида менга қўл келди.

Буюк британиялик Майкл Адамс билан финал ўйини Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилинибди. Бутун Ўзбекистон менга омад тилаб турган экан. Мен ҳам мусобақа давомида 26 миллионлик халқ, унинг Йўлбошчиси менинг ютуғимдан умидвор эканини юракдан ҳис қилиб турдим. Бу менга илҳом, иштиёқ, куч бағишлади. Ниҳоят, 13 июль куни жаҳон чемпионати ғолиби бўлганимдан кейин халқимиз кўчаларга, хиёбонларга чиқиб байрам уюштирибди, ўйин-кулги қилибди. Мен ҳамюртларимга, озгина бўлса-да, байрамона кайфият улашганимдан хурсандман.

Ўйинларимни томоша қилган ота-оналар ўз фарзандларини нафақат шахматга, спортнинг бошқа турларига берса, ёшлар спортга ошно тутинса, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Зеро, юртимизнинг исталган бурчагида ҳар қандай спорт тури билан шуғулланишга ҳавас қилгудек шарт-шароит яратилган. Мен юртдошларимиз спортнинг барча турлари бўйича жаҳон чемпионатларида, нуфузли мусобақаларда Байроғимизни сарбаланд тутиши ва Мадҳиямизни баралла янгратишига тилакдошман.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сизни Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга ёйганингиз учун Амир Темур ордени билан мукофотлади. Бу орден илгари Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари ва Андижон вилоятига берилгану аммо бирор бир шахс мазкур мукофот билан тақдирланмаганди.

— Чемпионат якунланиши билан биринчи табрикнома Президентимиз Ислом Каримовдан келганини кўриб жуда суюндим. Шунингдек, муҳтарам Юртбошимиз камтарона хизматларимни юксак тақдирлагани учун бекаҳд миннатдорман.

(Давоми 4-бетда.)

Сўз — сиёсий партиялар етакчиларига

«ҲАЛОЛ БАҲСЛАР ТАРАФДОРИМИЗ»

— ДЕЙДИ ЎЗХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ АСЛИДДИН РУСТАМОВ

Демократик тамойилларга асосланган жамият ривожи кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги қанчалик шаклланганига боғлиқ. Фуқаролар фикрлари эса сиёсий партияларнинг дастурлари доирасидаги саъй-ҳаракатлар ва мамлакатдаги ўзгаришларга муносабатлар таъсирида ўсиб боради. Кўппартиявийликка асосланган жамиятимизда айни пайтда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Бу йил Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар нафақат сиёсий институтлар, балки мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам катта воқеа ҳисобланади. Қуйида мухбиримизнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин РУСТАМОВ билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

— Сиз етакчилик қилаётган партиянинг айни вақтдаги саъй-ҳаракатини тўлақонли деб айта оласизми?

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳеч бир партия бирданига катта сиёсий кучга айлана олмайди. Бунинг учун маълум вақт, ҳар хил тўсиқларни босиб ўтиш керак бўлади. Партиямиз тарихи ва фаолиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ўзимизни тиклаб олишимиз учун етарли вақт ўтди. Афсуски, заифликдан, мўртликдан ҳали тўлиқ чиқиб кета олмадик.

Таъкидлаш лозимки, яқинда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши катта воқеа бўлди. Дастурий мақсад йўлида фаол ҳаракат қилишимиз учун яна бир имкон яратилди. Энди ҳамма гап бизнинг бу имкониятдан қандай фойдаланишимизга боғлиқ.

Олий Мажлис XIV сессиясида Юртбошимизнинг сиёсий партиялар ҳақида билдирган фикрларидан сўнг, биз ўз ишларимизни замон талабларига мослаштириш зарурлигини яна бир бор теран ҳис этдик. Олдимизга партиямизни ислоҳ қилиш, яъни уни яқин вақтлар ичида халқимиз кутаётган, ўзимиз ҳам орзу қилган сиёсий партияга, том маънодаги парламент партиясига айлантириш вазифасини қўйганмиз. Шу мақсадда партиянинг бутунлай янги рухдаги Устави лойиҳасини ишлаб чиқиб, муҳокамага чиқардик. Ҳозир жамиятимизни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи ғояларни ўз ичига оладиган, аҳолини ташвишлантираётган кўплаб муаммолар, уларнинг ҳал этилиши йўллари таклиф қилинадиган сайловолди дастур лойиҳаси устида ишлашни бошлаб юбордик.

— Маълумки, жамиятда ҳар бир партия ўз мақсади ва унга эришиш учун ғоявий дастури билан майдонга чиқади. Лекин ҳозир ҳам мавжуд партияларнинг аксарияти ўтказаётган тадбирлар, учрашувлар, назаримда, сиёсий қиёфа касб этмаяпти. Бу сусткашликнинг асоратими ёки Сиз буни бошқача изоҳлайсизми?

— Партиянинг сиёсий қиёфаси у ўз мақсад-муддаосини қай даражада намоён эта олишига боғлиқ. Биз ўтказаётган оммавий тадбирлардан мақсад ўзимизни кўз-кўз қилиш эмас, балки партиянинг дастурий мақсадларини халққа тушунтиришдир. Энг муҳими, учрашувлар чоғида биз фуқароларнинг фикрлари, таклифлари билан кўпроқ қизиқаяпмиз. Одамларни ташвишлантираётган ижтимоий, маънавий-маърифий муаммоларни кўтариб чиқаётирмиз.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида партиямизнинг бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Ҳозир ХДПнинг туман ва шаҳар ташкилотлари ҳисобот-сайлов конференциялари давом этаяпти. Уларда партия ташкилотларининг 5 йиллик фаолияти талабчанлик билан таҳлил қилинмоқда, бўлажак сайловлар билан боғлиқ фаолият йўналишлари белгилаб олинмоқда. Шу билан бирга, йиғилишларда аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишга оид жўяли таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Биз ўз қонуний ҳуқуқларимиздан фойдаланиб, ушбу таклиф ва мулоҳазаларни тегишли давлат ҳокимияти ижроия органлари раҳбарларига расмий равишда етказмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда.)

ХДП ҳаётидан

САМИМИЙ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоасида бўлиб ўтган маънавият ва маърифат соатида ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов қатнашди ва ХДПнинг дастурий мақсадлари, бугунги кундаги фаолияти, бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари тўғрисида гапириб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Республика Конституциявий суди раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов мамлакатимизда жорий йилнинг охирида ўтказиладиган сайловларнинг илгаригиларидан фарқли жиҳатлари, уларнинг амалдаги қонунларга қатъий риоя қилишган ҳолда ўтказилишининг муҳимлиги тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

АСРКАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг осойишталиги, тинчлигини, фаровонлигини сақлашга, маънавий-сиёсий онгини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ватанимизнинг ҳар қарич ери кўз қорачиғидек сақланмоқда. Республикамиз ҳукумати ёшларимизни ватанга муҳаббат, фидойи, садоқатли инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмда «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши биринчи котиби Саденбой Нурманов мавзу юзасидан маъруза қилди ва йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Дунёнинг маърифатпарвар давлатлари — ҳамкорларимиз юртимизда турли тараққиёт дастурларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, Францияниг техник ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги (АКТЕД) Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида Буюк Британиянинг «УЗПЕК» компанияси маблағи эвазига Бибиқорасоч қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида катта қулайликлар яратмоқда. Яқинда бу ердаги фуқаролик йиғини идораси, Мирзо Турсунзода номли мактаб ва қишлоқ врачлик пунктига туман марказидан телефон тармоғи тортиб келинди. Кичик Ура дарёсига алоҳида насос ўрнатилиб, қишлоқ атрофидаги анча-мунча ерларни суғориш имкони яратилди. Келгусида бундай насосларни яна тўрттага кўпайтириш режаси ҳам бор.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Диққат: танлов!

КИМ БЎЛАРКИН, «ЭНГ ИБРАТЛИ ЙИГИТ»

«Экосан» халқаро жамғармаси «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» шиори остида «Энг ибратли йигит» республика кўрик-танловини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Яқинда шу кўрик-танловнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Танловни ўтказишдан мақсад — мамлакатимиз ёшларини мард ва жасур, заковатли, салоҳиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялаш, жойларда йигитларимизни миллий спорт ҳамда унинг умумий турлари билан шуғулланишга янада кенгроқ жалб қилишдир. Танловни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ватанпарвар» ташкилоти ва бошқа ташкилотлар қўллаб-қувватладилар.

Хўш, ибратли йигитни қандай шарт ва синовлар кутаяпти? Кўрик-танлов қатнашчилари 2004 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг 11-синфи ва академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари, маҳаллалардан, ҳарбий хизматчилардан 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўспирин-йигитлар орасидан танлаб олинадилар. Танловда ғолиб бўлиш учун эса авало, йигитларимизнинг маънавий баркамоллик даражаси — миллий истиқлол ғоялари, йигитлик бурчи, ҳозирги замон техника янгиликлари, интернет тизими, Ўзбекистон Конституцияси ва ўз ҳақ-ҳуқуқлари, миллий қаҳрамонларимизнинг ҳарбий жанговарлиги, дипломатик билим, тил ўрганиш, атроф-муҳитга муносабат, экология, юртимиз флора ва фаунаси, тадбиркорлик, табиий офатларга қарши шошилинч ёрдам, ота-она, оила, оилада соғлом турмуш, оилани мустақил бошқариш, репродуктив саломатлик ва ниҳоят оила тежамкорлиги, бюджети ҳақидаги тушунча, билимлари синовдан ўтказилади.

Танлов ғолиби шу йилнинг 10 ноябрида маълум бўлади.

Саида САЙҲУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган


O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Нодир зотлар юрти экан, билсам, Насаф,
Не асрдир боши узра тожи шараф.
Кишиликнинг уммонида ғаввос каби
Дурлар сочиб турар ҳамон шаҳри садаф.

НАСАФ НОДИРЛАРИ

ИСТИҚЛОЛ БАДИАЛАРИ



Инсониятнинг энг нодир кашфиётларидан бири ёзувни кашф этишидир. Ана шу ёзувлар туфайли биз бугунги кунда ота-боболаримизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, хуллас, аждодларимиз кечмиши ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Юртимизнинг қадим тарихидан ҳикоя қилувчи кўпгина ёзувлар мавжуд. Сўғд ёзуви, урхун-энасой, оромий, хоразм, уйғур, араб, лотин, рус ёзувлари...

Ёзувлар дастлаб тоғ қояларига, тошларга битилган бўлса, кейинчалик мол териларига ва ундан сўнг қоғоз саҳифаларига битилган. Халқларнинг, давлатларнинг тақдири билан ёзувлар тақдири чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган. Бутун бошли халқни, давлатни ер юзидан бутунлай йўқотиб бўлмагани каби унинг маданий мероси бўлмиш ёзувини ҳам мутлақо йўқ қилиб бўлмайди, унинг намуналари қаерлардадир сақланиб қолади. Бунга биргина мисол келтирамиз. Александр Македонский олтин суви билан тарихга битилган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»ни ёққани билан Сайхуну Жайхун диёрида дунёга келган ушбу муқаддас китоб бугунги кунгача етиб келган-ку! Ёзувларнинг тақдири ҳам уни ихтиро қилган, истеъмолга киритган халқ, миллат тақдирига ўхшаш. Худога минг қатла шукрки, мустақиллигимиз туфайли халқимизнинг минг йиллар давомида истеъмолида бўлган ёзувларда битилган китоблар қоронғи каваклардан, ерга кўмилган сандиқлардан чиқиб, яна оламга нур таратди. Агар ана шу китоблар бўлмаганда, Ҳуррият қуёши нур таратмаганда биргина Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳридан юзлаб Насафийлар чиқармиди, айни замонда бизлар — уларнинг ворислари азиз алломалар асарларидан баҳраманд бўлармидик?!

Дарвоқе, жонажон юртимиздаги ҳар бир қишлоқ ва шаҳар ўзининг бой тарихига эга. Аждодларимиз ўтмишини чуқур англаш, изчил ўрганиш давримизнинг энг долзарб масалаларидан, чунки уни яхши билмасдан туриб, ҳақиқий маънодаги бугунги ва келажак ҳаётни равшанроқ тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу ўринда таъкидлаш керакки, баъзан биргина инсон ўзи туғилиб ўсган юртни, қишлоқ ёки шаҳарни оламга машҳур қилган бўлса, кўпинча инсонларни ўзи туғилиб ўсган юрти оламга танитади. Нотаниш икки ўзбек учрашиб қолдими, беихтиёр бир-биридан «Қаерликсиз?» дея сўрашади. Ёки бир шаҳарлик икки нотаниш одам ҳам қайси маҳалла ёки гузардансиз, дея сўрашади. Суҳбатдошининг қаердан эканлигини билгач, ўзининг у ерларда қачон бўлганлиги, кимларни танишлигини айтади. Шунинг учун ҳам илгари аждодларимиз номига уларнинг туғилиб ўсган жойининг номи қўшиб айтилган. Чунончи, Туркистоний, Самарқандий, Бухорий, Шоший, Хоразмий, Термизий, Фарғоний, Андижоний... каби. Бу ҳол, албатта, биринчи галда инсоннинг асли зоти қаердан эканлигини билдирса, иккинчидан, ўша юрт элига нисбатан ҳурмат маъносини ҳам англатади. Албатта, тахаллус танлашнинг ўзига хос маъно ва хусусиятлари бор, лекин инсон номига у туғилиб ўсган юрт номини қўшиб айтилиши кўпроқ оммалашган. Масалан, яқиндагина таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонланган бутун ислом оламида машҳур Абу Мансур ал-Мотуридийни олиб қарайдиган бўлсак, Самарқанд яқинидаги Мотруд мавзеи буюк зот номи билан дунёга танилган. Ёки ҳозирги Қарши шаҳри қадимда Боло, Нашаболо, Нахшаб, Насаф деб юритилган. Маданиятимиз тарихида эса не-не Нахшабий, Насафий, Ал-Лайс ибн Наср ал-Кожарий, Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий (Пўлоти), Ал-Ҳасан ибн Али ал-Ҳаммадий ал-Нахшабий каби забардаст олимлар, ҳадисшунос алломалар етишиб чиққанлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Қуйида биз насафлик азиз зотларнинг баъзилари ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Абу Абдураҳмон ал-Косоний ан-Насафий Насафда кўп шогирдлар етиштирган пири муршид, у ўз маблағи ҳисобига жоме масжиди ва работ қурдирган. IX асрда яшаб ўтган ушбу шайх 834 йилда вафот этган, у ҳақда араб тарихчиси ас-Самъоний ўзининг «Китоб ал-ансаб» асарида ёзиб қолдирган.

Машҳур шайх Абу Туроб Нахшабий ҳақида ҳазрат Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» асарининг 95-бобида катта ҳурмат-эҳтиром билан ёзади, унинг шогирдларидаги кибру ҳавони, зеб-зийнатга, бойликка қизиқишни йўқотиш усулларига таҳсинлар айтади.

Шайх Абу Туроб Нахшабий 850 йили Қаршида вафот этган, қабри ҳам шу ерда.

X асрда яшаб ижод этган Абул Ҳарас ал-Варсиний ан-Насафий тарихчи ва ҳадисшунос олим ўтган. У Насаф вилоятининг Варсин қишлоғида туғилиб, вояга етган. Унинг «Китоб муфахарат аҳл Насаф ва Кашиш» асари юқорида тилга олинган шаҳарлар тарихига оид. Шунингдек, унинг «Китаб ан-насаб» асари тил, адабиёт масалаларига бағишланган. У 927 йилда вафот этган.

Калом илмининг билимдони Абу ал-Муъйин ан-Насафий мотрудийа мактабига мансуб имом ал-Ғаззолий маслагига амал қилган олимлардан. У 1027 йили Насафда таваллуд топган, кўп йиллар давомида Бухоро ва Самарқандда таҳсил кўрган, яшаб ижод қилган. У ўз даври илм-фанига оид ўн беш асар ёзиб қолдирган, лекин унинг қаламига мансуб Ислом дини фалсафасига оид «Баҳр ул-калом фи илм ал-калом» асари ниҳоятда машҳур бўлган. Аллома 87 ёшида Самарқанд шаҳрида вафот этган.

Насафлик олимлар номини санайдиган бўлсак — Абул Мутиъ Макҳул ан-Насафий, Муҳаммад Насафий, Муҳаммад Нахшабий каби ўнлаб алломаларнинг номларини, уларнинг ёзиб қолдирган асарларини санаб ўтиш мумкин. Бу эса Насафдан шу қадар кўп алломалар етишиб чиққанлигидан далолат беради.

Насафда туғилиб, Бухородаги ўқиган, Самарқандда яшаб ижод этган Шамсиддин Сўзаний ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкирот уш-шуаро»сида, Абдураҳмон Жомий ўзининг «Баҳористон» асарида маълумотлар ёзиб қолдирган. Сўзоний сўз устаси, ҳазилга мойил, замонавий одам бўлган. У саксон ёшдан ортиқ умр кечирган. 1173 йили Самарқандда вафот этгач, Абу Мансур Мотрудий қабри ёнига дафн қилинган.

Насафдан чиққан шоирлардан бири XVII асрда яшаб ўтган Насим Маҳрамдир. У дастлаб Бухорода таҳсил олади, бирмунча вақт Абдулазизхон саройида (хонлик даври 1645-1680 йиллар) хизмат қилади, саройнинг биқиқ муҳити билан келишолмагач, Балхга, сўнгра Ҳиндистонга бориб умргузаронлик қилади. Ундан бизгача «Девони Насим» етиб келган, бу асар ҳозирги кунда Тошкентдаги ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Шоир Сайидо Насафий 1637 йилда Қарши шаҳрида таваллуд топган, Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, Субҳонқулихон саройида хизмат қилишдан воз кечиб, оддий тўқувчилик касби билан шуғулланган.

Малеҳо Самарқандий ўзининг «Музаккир ул-аҳбоб» тазкирасида шундай ёзиб қолдирган: «Мақташда унинг номи пайваста келмаган ғазал учрамайди, у мухаммас (қилмаган) ғазал ҳам топилмайди. Ёқимли ғазаллари сўз усталарини ҳайратда қолдирган, раъно янглиғ мухаммаслари савват тўла гулларнинг тожидур. «Шарҳошуб»лари (шаҳар ҳунармандларини мадҳ этган асари) бозорларга ғавғо солган, рубоийлари сўз арбоблари эътиборини қозонган, қасидалари салмоқли, маснавийлари сирларга бой, қитъалари панда сероб, мустаъзодлари қалбларни ром этгувчи, мувашилари муаммо, чистонлари дилписанд, нимаики ёзган бўлса, бари мумтоз ва олийқадрдир».

Сайидо Насафийдан 18 минг мисрадан ортиқ шеър мерос қолган. Унинг «Баҳористон» асарида ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ўзаро баҳсга киришади ва энг зўр жонзот меҳнаткаш чумоли деган хулоса чиқарилади.

Бизнинг давримизда Насафдан халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Абдулла Орипов каби атоқли шоирлар, забардаст сўз усталари етишиб чиқди. Улар шеърияти ҳақида таҳсиндан бошқа гап айтиб бўлмайди.

Мустабидлик замонида Насаф нодирлари ҳақида халқ ҳақиқатни билишга йўл қўйилмади. Уларнинг номлари тарих қатларида қолиб келди, уларни ўқишга, ўрганишга изн берилмади.

Фақат мустақиллик йилларида Қашқадарё воҳаси тарихи ва у ердан етишиб чиққан аллома ва фузалолар, шоирлар ҳақида кўп ишлар қилинди. Бу борада истеъдодли олим Поён Равшановнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Унинг халқимиз маънавий меросида катта ўрин тутувчи «Темурнома»ни топиб, нашр эттиришининг ўзи ҳар қандай мақтовдан юқори. Ёки заҳматкаш олимнинг «Навоий шажараси», «Қашқадарё тарихи» асарлари ўзининг мағзи тўқлиги, салмоқдорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Насафийлар тарихидан ҳикоя қилувчи илмий жиҳатдан бақувват Убайдулла Уватов мақолалари, ижодкорлардан Носир Муҳаммаднинг «Насаф ва Кеш алломалари» асари, Ғуломхон Ғафуров, Маҳмуд Сатторов олиб борган ишлар таҳсинга лойиқ.

Қадимшунос олимлардан М.Исомиддинов, Р.Сулаймонов, элшунос Қ.Шониёзов, О.Бўриевларнинг Қашқадарё тарихи бўйича олиб борган ишларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ҳа, бир томони тоғларга қўл чўзиб, кенг дала ва чўлларга ястаниб ётган Қашқадарё воҳаси ўзининг жўмард, қўли гул меҳнаткаш инсонлари билан республикамизда ўзига хос салоҳиятга эга. Бу эл кишилари ҳақида, тўйлари, кураш ва кўпкарилари ҳақида халқ баҳшилари бир кечаю-кундуз тинмасдан қўшиқлар айтиб бериши мумкин. Ҳали Муборак, Кўкдумалоқ, Шўртан газчилари, нефтчилари, Таллимаржон нурчилари ҳақида, ер остида қолган Занжир Саройлар, чўллардаги сардобалар ҳақида кўплаб достонлар яратилишига аминмиз. Бунинг учун бугун имкон ҳам, истак ҳам етарли.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Сўз — сиёсий партиялар етакчиларига

«ҲАЛОЛ БАҲСЛАР ТАРАФДОРИМИЗ»

— ДЕЙДИ ЎЗХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ АСЛИДДИН РУСТАМОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масалан, ЎзХДП МК ва партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси яқинда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислоҳотларнинг бориши ва тариф сиёсатига бағишлаб «давра суҳбати» ўтказди. Унда ушбу соҳада ислоҳотлар қийинчилик билан бораётгани, рақобат муҳитининг йўқлиги, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати аҳолини тўлиқ қониқтирмаётганлиги соҳада хизматлар нархи нисбатан тез ўсаётгани рўй-рост айтилди. Тегишли давлат идоралари ва ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбир, ўйлайманки, жамиятга фақат фойда келтиради. Муҳокама якунларидан ўзимиз ҳам хулоса чиқардик, партия ташкилотларимиз ва депутатлик тузилмаларимизни ушбу масалаларда қатъиятли ва изчил бўлишга чорладик, давлат бошқаруви ва коммунал хизматлар корхоналари раҳбарлари эътиборини соҳага оид қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш лозимлигига қаратдик.

Оддий турмуш муаммоларига бағишланган бундай тадбирлар замирида катта сиёсат ётишини ривожланган Ғарб давлатлари тажрибаси тасдиқлайди. Яна бир гапни айтай: бу саъй-ҳаракатлар билан сиёсий масалаларни четлаб ўтаётганимиз йўқ. Мисол учун, «Сиёсий партия — сиёсий куч» мавзуида Марказий Кенгашда ўтган «давра суҳбати» жамоатчилик вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Партия фаоллари учун эса «Сайловолди кампаниясида ташвиқот» мавзуида семинар-тренинг ташкил қилдик. Бу ишда бизга Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти яқиндан кўмак берди.

— Халқимизда «Ҳақиқат баҳсларда туғилади», деган гап бор. Сиёсий майдонда партиялар ўртасидаги баҳслар қачон ҳақиқий, ҳалол курашга айлана олса, жамиятда юзага келган муаммолар ечимини топиб бораверади. Бас, шундай экан, савол туғилади: қачон «муроса йўли»дан кураш майдонига чиқилади?

— Барча баҳсларда ҳам ҳақиқат туғилавермайди. Баҳс холис, соғлом бўлса, фойда келтиради. Сиёсий рақибни ҳар қандай йўллар билан қоралаш, ёмонотлиққа чиқаришга ҳаракат қилиш ҳеч бир партияга обрў келтирмайди. Аксинча, шу йўлга кирганларнинг нуфузига путур етказади. Шунинг учун биз ҳалоллик асосида олиб бориладиган баҳслар тарафдоримиз.

Ҳозир ҳам партиялар матбуоти саҳифаларида мунозарали масалалар кўтарилаётганлигини кўриш мумкин. Лекин ҳозирча бу бўлажак сиёсий баҳсларнинг учқуни, холос. Ҳақиқий «тўқнашувлар» сайловолди кампаниясида бўлади.

— Сиз мансуб партия кейинги пайтда жамиятимиз учун ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик қандай муаммони ҳал этишга эришди?

— Ҳар қандай партиянинг ижтимоий-сиёсий масалаларни қай даражада ҳал этиши унинг парламентдаги депутатлари салмоғига боғлиқ. Ўтган сайловда ХДП ўз имкониятларидан тўла фойдалана олмаганди. 250 та ўриндан атиги 49 тасини эгаллаганди. Буни биз очиқ тан оламиз. Лекин, шунга қарамасдан, ХДП ва унинг парламент фракцияси мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида баҳоли қудрат иштирок этиб келмоқда. Қатор депутатларимиз Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг раҳбарлари ёки аъзолари сифатида қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда, уларнинг қабул қилинишида, қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Партиямизнинг Олий Мажлисдаги фракцияси иши кейинги йилларда анча жонланди. Сессияолди йиғилишларида, давра суҳбатларида ва бошқа тадбирларда фракция аъзолари, партия фаоллари, давлат идоралари раҳбарлари, экспертлар, ОАВ вакиллари билан биргаликда қонун лойиҳалари муҳокамасида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифларни диққат билан ўрганиб, энг муҳимларини ҳисобга олмоқдалар. Масалан, Давлат бюджети лойиҳаси кўриб чиқилганида фракциямиз аъзолари, партия Марказий Кенгаши тавсиясига кўра, умумтаълим мактабларини таъмирлаш учун етарли миқдорда маблағ ажратилмаётганини кўрсатиб, тегишли давлат идоралари диққатини аҳволни тузатиш лозимлигига қаратиб келдилар. Маълумки, 2004 йилга мўлжалланган Давлат бюджети тасдиқланаётганида ушбу мақсад учун ажратиладиган маблағлар ҳажми қарийб икки баробар кўпайтирилди. Албатта, бу фақат ХДПнинг хизмати дея олмаймиз, лекин бунда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор дейишга ҳақлимиз.

— Аёнки, Олий Мажлис навбатдаги чақирикдан икки палатали парламент — Сенат ва Қонунчилик палаталари фаолият кўрсата бошлайди. Парламентда ўтказилаётган бу ислоҳот сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини ошириши турган гап. Лекин партиялар етакчилари, аъзолари ҳамон фаол эмас экан, кутилган натижага эришиш қийин кечади...

— Партиямиз Мрказий Кенгашининг VII пленуми бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш режаларини ишлаб чиқар экан, ХДПнинг барча тузилмалари, аъзолари ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ҳар қачонгидан кучайтиришлари зарурлиги ҳақида кўрсатма берди.

Бугун ташкилотларимиз фаолиятида бирмунча жонланиш сезилмоқда. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, маҳаллий партия кенгашлари газеталарини варақласангиз, ХДП ташкилотларининг назарий қарашлари, долзарб масалалар юзасидан нуқтаи назари, кўп қиррали амалий ишлари ўз ифодасини топмоқда. Партиядан сайланган депутатлар, фаоллар, ижодкор сафдошларимиз аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларни тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари олдига қўймоқдалар.Зеро, бугун ҳаётнинг ўзи сиёсий партиялардан жонланишни, фаолликни, одамлар орасига кўпроқ кириб боришни талаб этмоқда.

Халқ демократик партияси ҳаётидан

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЎзХДП Нурота туман кенгаши ва туман касаба уюшмалари кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистонда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар» мавзуида семинар ўтказилди. Унда ширкат ва фермер хўжаликлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлими, касаба уюшма қўмиталари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда мавзу юзасидан ЎзХДП туман кенгаши биринчи котиби Тойир Одилов маъруза қилди ва берилган саволларга жавоб берди.

Тадбирда туман ҳокими У.Ҳакимов сўзга чиқди.

●●●

Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар кенгашида халқ таълими бўлими тизимидаги раҳбар аёллар билан Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар мавзусида учрашув ўтказилди.

Унда ХДП Қўқон шаҳар кенгаши биринчи котиби Зулфия Ҳошимова, Олий Мажлис депутати Замирахон Охунова, Ўзбекистон Қаҳрамони Манзурахон Мадалиева ва бошқалар сўзга чиқиб, партия ташкилотининг бўлажак сайловларга тайёргарлиги, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

●●●

Норин туман партия кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда жойларда «Оғусиз ҳаёт сари» мавзусида суҳбатлар ўтказмоқда. Уларда маҳалла оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари, таниқли спортчилар иштирок этмоқдалар.

●●●

Чуст туман партия кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Сайлов, қонун ва фуқаро» мавзусида жойларда тадбирлар ўтказишни йўлга қўйди. Махсус жадвал асосида ўтказилаётган тадбирларда сайловлар тўғрисидаги қонунлар ва икки палатали парламентнинг ўзига хос жиҳатлари тушунтирилмоқда.

●●●

Чортоқ туман партия кенгашининг туман Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликдаги тадбирлари Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси қарорини тарғиб қилишга бағишланди. Боғистон қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирда мазкур Фармон ижросида иштирок этиш ХДП ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири экани алоҳида таъкидланди.



ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ



Янгиқўрғон туманидаги Навкент қишлоғида «Болажон» ўқув-ишлаб чиқариш маркази иш бошлади. Марказ шарофати билан қишлоқда эллик нафардан зиёд киши ишли бўлди. Айни пайтда бу ерда гилам тўқиш, кўғирчоқ ишлаб чиқариш, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш, қандолатчилик цехлари ишлаб турибди.

— Ишга жойлашиш ниятида Меҳнат биржаси туман бўлимига мурожаат қилгандим, — дейди Феруза Ўлмасова, — бўлимдагилар шу ерга йўлланма беришди. Ҳозир ҳамкасбларим билан гилам тўқияпмиз. Ойига 25-30 минг сўмдан маош олаяпмиз. Марказ очилиб, янги иш ўринлари яратилганидан хурсандмиз.

— Мен ҳам Меҳнат биржаси орқали бу ерга ишга жойлашганман, — дейди кўғирчоқ ишлаб чиқариш цехи ишчиси Нодира Кўчқорова. — Дугоналарим билан биргаликда қисқа мудатда бири-биридан бежирим кўғирчоқлар ясашни ўрганиб олдик. Ҳунарли, ишли бўлганимиздан мамнунмиз.

Марказ қошида шу ерда ишлаётганларнинг фарзандлари учун мўъжаз боғча-ясли ҳам ташкил қилинганки, аёллар ўғил-қизларидан кўнгиллари хотиржам ҳолда ишлаш имкониятига эга бўлдилар.



Суратларда: *гилам тўқиш цехи ишчиси Феруза Ўлмасова; гилам тўқиш цехи ишчиси Муқаддас Ҳожиева; кўғирчоқ ишлаб чиқариш цехи ишчилари Маҳбуба Исоқова, Мунаввар Низомова ва Нодира Кўчқоровалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ташаббус, тажриба, таҳлил

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИГА ҲАМ, МИЖОЗГА ҲАМ МАЪҚУЛ

ЁКИ МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШ БОШҚАРМАСИ АҲОЛИНИНГ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРДАН ҚАРЗДОРЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИБРАТЛИ ИШ ТАЖРИБАЛАРИ ҲАҚИДА



Маълумки, бугунги кунда республикамизда нақд пул тушумини кўпайтириш, банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш, биринчи даражали тўловларни нақд пул билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятлар, шаҳар, туманларда нақд пул тушумини барча манбалар бўйича кўпайтириш юзасидан кенг қамровли чоратадбирлар олиб бориш давр талабига айланди. Марказий банкнинг Фарғона вилоят бош бошқармаси томонидан ҳам мазкур соҳада бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ана шундай тадбирлардан бири аҳолининг коммунал хизмат идораларидан бўлган қарздорлигини иш ҳақидан ушлаб қолиш эвазига ундириб бориш механизмини амалда жорий этишдан иборат. Мазкур чора-тадбирларни амалга оширишнинг пировард мақсади аҳолининг коммунал идоралардан мавжуд қарздорлигини бартараф этиш баробарида, муомалага нисбатан камроқ нақд пул маблағлари чиқарган ҳолда, аҳолининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларидан қарздорлигини камайтиришдир. Мазкур жараённинг дастлабки босқичида корхона-ташкилотлар томонидан коммунал идораларга ходимларининг яшаш манзиллари кўрсатилган рўйхатлари ҳавола этилади, коммунал идоралар рўйхатлар асосида корхона ходимларининг қарздорлигини аниқлаб, корхонага ва хизмат кўрсатувчи банк бўлимига ҳавола этади, банк бўлими, ўз навбатида, мижоз топшириғига кўра, иш ҳақидан қарздорликни ундириб боради. Юқорида айтиб ўтилган механизмни жорий этиш мақсадида вилоятда фаолият олиб бораётган барча тижорат банк бўлимларида мижоз корхона-ташкилотлар ходимларининг қарздорлигини ундириб боришга масъул ходим тайинланган ҳамда ушбу вазифа мижозларга хизмат кўрсатувчи барча масъул бухгалтерия ходимларига бириктирилган буйруқлар чиқарилди. Яъни банк бўлимига банк операциялари амалга ошириш учун келган ҳар бир мижозга масъул банк ходими томонидан корхона ходимларининг коммунал тўловларидан бўлган қарздорлиги, уни тўлаб бориш имкониятлари тўғрисида маълумот беради. Мазкур механизм вилоят газ таъминоти соҳасида 2004 йил март ойидан, электр таъминоти соҳасида эса май ойидан амалда қўлланилди.

Марказий банк Фарғона вилоят Бош бошқармаси томонидан бошланган ташаббус вилоят ҳокимининг 2004 йил 27 мартда қабул қилинган «Аҳолининг табиий газдан фойдаланиш қарздорлигини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан мустаҳкамланди. Қарорда вилоят аҳолисининг табиий газ ва бошқа коммунал тўловлардан бўлган қарздорлиги учун маблағларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 15 май куни 1031-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг корхона, ташкилотлар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматларга иш ҳақидан маблағ ушлаб қолиш орқали тўловлар қабул қилиш тўғрисидаги тартибига мувофиқ иш ҳақидан ушлаб қолиб кўзда тутилган. Қарорга мувофиқ тижорат банкларининг шаҳар-туман бўлимлари томонидан банк бўлимидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар учун нақд пул олаётган ҳар бир ташкилотга тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилиши ҳамда мижоз корхоналар ходимларининг коммунал тўловлардан бўлган қарздорлиги учун маблағлар корхона томонидан тақдим этилган тўлов топшириқномалари асосида ўтказилиши лозим. Қарорнинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, унда корхона ходимларининг коммунал хизматлардан қарздорлигини камайтиришда ташвиқот ишларини олиб бориш вазифаси бевосита ҳар бир корхона раҳбарига топширилган.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг коммунал идоралардан бўлган жами қарздорлиги 2004 йил май ойи якунлари бўйича апрель ойи якунларига нисбатан 346 млн. сўмга камайди. Мазкур ижобий ўзгариш, аҳолининг табиий газдан бўлган қарздорлигининг кескин камайишига олиб келди ва аҳолининг табиий газдан бўлган қарздорлиги 2004 йил 1 май ҳолатида 6702 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 1 июнга келиб бу рақам 445 млн. сўмга камайди. Амалга оширилган чора-тадбирлар самарасини вилоят аҳолисининг коммунал тўловлардан қарздорлигини 2004 йилнинг ўтган беш ойида ўзгариш динамикаси орқали яққол кўриш мумкин. Аҳолининг коммунал тўловлардан жами қарздорлиги апрель ойидан, табиий газдан қарздорлиги март ойидан бошлаб камайиб борган.

Аҳолининг электр энергияси ва бошқа коммунал тўловлардан бўлган қарздорлиги камаймаган бўлса-да, май ойи истеъмолини қўшиб ҳисобланганда кескин ошиб кетиш ҳоллари кузатилмаган. Бошқача айтганда, аҳолининг электр энергиядан қарздорлиги 2004 йил 1 апрель ҳолатида 1 мартдагидан 340 млн. сўм кўпайган эди. Ижобий ўзгаришга эришилишида иш ҳақидан ушлаб қолинган маблағлар салмоқли ўрин тутган. Вилоят бўйича иш ҳақидан коммунал тўловларга ўтказилган маблағлар апрель ойи бўйича 929 млн. сўмни ташкил қилган. Аҳолининг қарздорлиги камайиб борганлиги сабабли мазкур кўрсаткич май ойи якунлари бўйича 748 млн. сўмни ташкил этди. Бу борада айниқса вилоятдаги Пахтабанк, Туронбанк, Халқ банки, Савдогарбанк, Уйжойжамғармабанк, Саноатқурилиш банки, Миллий банк томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар эътиборга моликдир.

Марказий банк Фарғона вилоят Бош бошқармаси томонидан тижорат банкларида кунлик нақд пул харажати ва ўтказилган коммунал тўловлар мижозлар бўйича таҳлил қилиб борилмоқда.

Мазкур соҳада олиб борилаётган чора-тадбирлар самарасини янада ошириш учун вилоят коммунал идораларида аҳоли билан ҳисобкитоблар жараёни тўлиқ компьютерлаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ўз навбатида коммунал идораларини замонавий ахборот технологиялари ва компьютер дастурлари билан таъминлаш ҳам талаб этилади.

Норбобо ШАКАРОВ,
Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Дунё нотинч. Қаердадир қандайдир низо чиқиб туради. Ҳар қандай низо мумкин қадар тезроқ бартараф этилмаса, катта жанжалга — урушга айланиб кетади. Бу жаҳонда тинчлик ва барқарорлик учун хавф туғдиради. Ана шу хавфнинг олдини олиш, яъни юзага келган вазиятни зудлик билан муҳокама этиб, қарор қабул қилиш, агар зарур бўлса тинчлик ўрнатувчи кучларни юбориш вазифаси БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ваколатига киради.

Қаерда низо ёки можаро келиб чиқса, Хавфсизлик Кенгаши ўша ерда халқаро кучлар ёрдамида тинчликни таъминловчи ўз миссиясини ташкил этиш, ишлаб турган шундай миссиянинг ваколатини ва вазифаларини ўзгартириш ёки шахсий таркибдаги ҳарбийлар сонини ошириш учун Хавфсизлик Кенгашининг 15 та аъзосидан 9 таси овоз бериши керак. Агар Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзосидан биттаси қарши овоз берса, қарор қабул қилинмайди.

Халқаро кучлардан иборат тинчлик миссиялари фаолиятларига умумий раҳбарликни БМТ Бош котиби амалга оширади. У барча жараёнлар, шу жумладан, ҳарбий амалиётлар юзасидан Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот тайёрлайди. Аксарият йирик тинчлик миссияларига Бош котибнинг махсус вакиллари раҳбарлик қилишади. Тинчлик миссияларининг фаолиятларини бошқаришда Бош котибга тинчлик ўрнатиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш департаменти ёрдам беради. Бу департамент БМТга дахлдор бўлмаган бошқа миссиялар билан ҳам алоқа ўрнатиши мумкин.

БМТнинг тинчлик ўрнатувчи миссияларига зобитлар ва ҳарбий хизматчилар, ҳарбий кузатувчилар ва бошқа оддий хизматчилар давлатларнинг миллий қуролли кучлари йўланмаларига асосан қабул қилинадилар. Шубҳасиз, ҳар қандай миссия Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган сиёсий қарордан кейин шаклланади. Одатда, тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлинмаларнинг шахсий таркиби маҳаллий ҳукумат билан келишилган шарт-шароитлар асосида белгиланган амалиётларда қатнашади ва ўша ҳукуматнинг таъсири остида бўлади. Шахсий таркиб ва зобитлар халқаро ҳарбий кучлар қўмондонига бўйсинадилар. Қўмондон эса ўз навбатида БМТ Бош котибининг махсус вакили орқали ҳаракат қилади. Тинчлик ўрнатувчи кучларни юбориш ёки чақириб олиш масаласини ўша кучларни ўз розилиги билан йўллаган ҳукуматнинг ўзи ҳал қилади. Шунингдек, ҳарбийлар ва хизматчиларнинг моддий таъминоти, интизоми, лавозимлари билан боғлиқ масалаларда бутун масъулият ҳукуматлар зиммасида бўлади. Ҳукуматлар ҳарбий хизматчилардан ташқари полиция ходимларини ҳам юборишлари мумкин. Бунда улар хизмат сафарига юборилган мутахассис сифатида хизмат қиладилар ва иш ҳақини БМТ ҳисобидан оладилар.

Хавфсизлик Кенгаши тинчлик ўрнатиш жараёнларини амалга ошириш учун бошқа халқаро ташкилотларга ваколат бериши ҳам мумкин. Жумладан, 1999 йилда БМТ НАТОга Косовода тинчлик ўрнатиш ваколатини берди. Шу билан бир пайтда Хавфсизлик Кенгаши Косовода вақтли маъмурият ишлари бўйича БМТ миссиясини таъсис этди. Миссия ҳудудни бошқарар экан, тартиб-интизом ва қонунга амалга қилинишини таъминлади, демократик институтларни шакллантириш юзасидан иш олиб борди. Бироқ тинчлик ўрнатиш учун олиб борилган ҳарбий амалиётларга БМТ эмас, НАТО раҳбарлик қилди.

Ўша йили Хавфсизлик Кенгаши Австралия қўмондонлигидаги халқаро кучларга Шарқий Тиморда (ҳозирги Тимор-Лештида) хавфсизликни таъминлаш ваколатини берди. Орадан бир йил ўтиб, бу вазифа БМТ зиммасига юкланди. 2001 йилда эса Хавфсизлик Кенгашининг розилиги билан Афғонистонга халқаро кучлар киритилди. Шу билан бирга, Афғонистоннинг ўтиш ҳукуматига ёрдам кўрсатиш мақсадида БМТнинг сиёсий миссияси таъсис этилди. 1993 йилда БМТ Ғарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамияти билан бирга биринчи марта Либериядаги тинчлик ўрнатиш амалиётларида қатнашди. БМТ 1994 йилда Грузиядаги тинчлик ўрнатиш миссиясини МДҲ билан бирга амалга оширди. Тўқсонинчи йилларнинг иккинчи ярмида Босния ва Герцеговинада ҳамда Косовода тинчлик ўрнатиш учун қандай жараёнлар амалга оширилган бўлса, деярли ҳаммасида БМТнинг НАТО, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан биргаликдаги ҳаракати таъминланди. НАТО раҳбарлигида Афғонистонда ҳаракат қилаётган халқаро кучлар хавфсизликни таъминлашни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда БМТ миссияси билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳозирги пайтда БМТнинг тинчлик ўрнатувчи миссиялари Конго Демократик Республикаси, Либерия, Сьерра-Леона, Косово, Тимор-Лешти ва Кот-д"Ивуарда мавжуд. Улар Бош котибнинг мандати билан ўзларини ва ўзларига топширилган вазифалардан келиб чиқиб бошқаларни ҳимоя қиладилар. Бу билан БМТга жойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши мумкин бўлган ташкилот сифатида қарамаслик керак. Куч ишлатиш тинчлик ўрнатиш йўлидаги мажбурий чора, холос.

Мутахассисларнинг фикрича, БМТнинг ер юзида тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ фаолияти сарф-харажат жиҳатидан қимматга тушмайди. БМТнинг бу борадаги бир йиллик фаолиятига кетадиган сарф-харажат Нью-Йорк шаҳар полиция департаментининг йиллик ҳаражатидан анча кам экан. Агар дунёда юз бераётган низолар ва урушлар келтираётган зарарларга нисбатан қиёсланса, БМТнинг тинчликни қўллаб-қувватлаш юзасидан қилаётган сайъ-ҳаракатларига кетаётган харажат мазкур зарар олдида ҳеч нарса эмас.

БМТ Уставига имзо чеккан барча давлатлар ер юзида тинчлик ўрнатиш ва хавфсизликни таъминлашни қўллаб-қувватлаш учун ўз қуролли кучларини ажратишга розилик билдирганлар.

Ҳозирги вазият БМТнинг тинчликсеварлик миссияси олдига янги вазифалар қўймоқда. Айни пайтда бу миссия 15 жойдаги дала амалиётларига раҳбарлик қилаётган бўлса, яқин орада уларга Бурунди, Судан, Гаити ва Ироқда амалга оширилиши эҳтимол тутилаётган жараёнлар ҳам қўшилиши мумкин. Референдумдан сўнг Кипрдаги вазият ҳам БМТнинг аралашувини тақозо этмоқда. Демак, бугунги вазият бу халқаро ташкилот ўзининг қувватини ошириб, имкониятини кенгайтириб, режасини янгилаб боришини талаб этмоқда. Аслида бу энг нуфузли халқаро ташкилот олдида турган янги синовлардир.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Шарҳловчи минбари

БМТнинг ТИНЧЛИК МИССИЯЛАРИ

НИЗОЛАР ЙЎЛИДАГИ FOB

КОНДА ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

Украинанинг Донецк вилояти Красноармейск туманига қарашли Родинск шаҳридаги «Краснолиманская» кўмир конида метан гази тўпланиб қолиши оқибатида кучли портлаш юз берди. Портлаш эса кучли ёнғинни келтириб чиқарди. Натижада 25 нафар кончи ҳалок бўлди (уларнинг жасадлари олиб чиқилди), 11 нафарининг тақдири нима бўлганлиги эса номаълум, 12 нафари кондан чиқиб, жонини асраб қолишга муваффақ бўлган, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

Портлаш коннинг 545 метр чуқурлигида юз берган. 300 га яқин қутқарувчининг ўта оғир шароитда ишлашларига тўғри келмоқда. Негаки, ёнғин сабабли конда ҳарорат 50 даражадан ортиб кетган, бурқсиётган тутун эса атрофни кўришга имкон бермайди. Шу сабабли, ёнғинни азот билан ўчиришга келишилди. Бунинг учун иккита генератор ва учта газ узатиш мосламаси келтирилди. Уни ишга туширувчи мутахассислар эса Сума шаҳридан таклиф этилди.

Украина ҳукумати ҳалок бўлган ва жабр кўрганларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам тариқасида 2,5 миллион гривна (тахминан 470 минг долларга тенг) маблағ ажратди.



Аслида мазкур кон хавфлилик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Буни кончилар ҳам яхши билишади. Кейинги уч йилда айнан ушбу конда бешинчи марта фожиа юз бериши. Хусусан, 2001 йил январда метан портлаши натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, 2002 йил 2 декабрда эса 880 метр чуқурликдаги кон жинслари кўчкиси оқибатида 1 киши нобуд бўлган. Бир ой ўтиб яна шундай ҳодиса юз берган ва бир кончининг умрига зомин бўлган. 2003 йил 8 мартда ҳам 540 метр чуқурликда кўчки юз бериши оқибатида 7 кончидан 4 нафари зўрға қутқариб қолинди холос.

Шундай фожиалар юз беришига қарамай конда ишлар жадал олиб борилмоқда. Кунига 10 минг тонна кўмир қазиб олинади.

Умуман бугунги кунда Украинада 180 та кўмир кони фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий қисмида метан портлаши хавфи кучли бўлгани учун улар Украина кон назорати давлат қўмитаси томонидан биринчи тоифали рўйхатга киритилган. Ушбу ташкилот берган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг биринчи ярмида Украина конларида 5 мингга яқин киши шикастланган, 78 нафари эса ҳалок бўлган. Энг йирик ҳалокат 2000 йил мартда Луганск вилоятидаги конда юз берган эди. Ўшанда Баракова номидаги конда метан гази портлаши оқибатида 80 нафар ишчи нобуд бўлган. 2001 йилда 165 кончи фожиалар натижасида ҳаётдан кўз юмганлиги боис кончилар ўлими энг кўп қайд этиладиган мамлакатлар рўйхатида Украина юқори ўринларга чиқиб қолди. Буни эса Украина меҳнатни муҳофаза қилиш давлат назорати «Украинада кўмир қазиб олиш ўта оғир тоғ-геологик ва юқори ҳароратли шароитда олиб борилаётгани» билан изоҳламоқда. Бундан ташқари конларнинг ўртача чуқурлиги бир километрга яқинлашиб қолган.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, кейинги 12 йилда Украина конларида 20 та йирик ҳалокат юз берган, нобуд бўлган кончилар сони эса 600 га етди. Бу албатта оғир гап.

Қисқаси, меҳнат шароитини яхшилаш, аввало конлар маъмурияти зиммасида экан, демак фожиалар учун жавобгар ҳам албатта улардир.

МАҲЛИЁ
тайёрлади

XORIJDA

ИИВ ТИЗИМИ ҚИСҚАРАДИ

«Новости» агентлигининг маълум қилишича, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги тизимида ўтказилаётган ислоҳотларга кўра, вазирлик таркибига кирувчи бўлинмалар икки баравар қисқартирилади. «Президент фармонига кўра, ИИВнинг марказий аппарати таркиби энг қулай вариантга келтирилади, яъни вазирлик департамент тизимига ўтказилади. Шунинг учун марказий аппарат ходимлари 20 фоизга қисқартирилади» дейилади ИИВ матбуот хизмати ахборотида.

Ушбу тизимда ислоҳот ўтказишдан мақсад тизимни қисқартириш эмас, балки соҳа мутахассисларининг жавобгарлигини ошириш, уларда касбий туйғуларни янада юксалтиришдан иборатдир. Улар меҳнатига ҳақ тўлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

БИРИДА ЖАЗИРАМА, БИРИДА...

Япония пойтахти Токиода айни кунларда жазирамадан одамлар лоҳас бўлмоқда. Пойтахт тарихида биринчи марта сешанба куни ҳарорат рекорд кўрсаткичга етди — 39,5 даража.

Япония об-ҳавони кузатиш бюроси берган хабарда айтилишича, — дейилади Kuodo ахборотида, — 1994 йил 3 август кунги рекорд ҳарорат «мавҳ этилди». Ўшанда жазирама 39,1 даражага етган эди.

Reuters хабар беришича эса Хитойда аҳвол анча аянчли. ХХР Раиси Ху Цзиньтао мамлакатда янги сув тошқинлари юз бериши ҳақида аҳолини огоҳлантирди. Маҳаллий маъмуриятлар бўлажак сув тошқинларига қарши чоралар кўрмоқда.

Маълумки, мамлакатда бир неча ҳафтадирки кучли ёмғир натижасида сув тошқинлари юз бермоқда. 296 киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозир 412 минг киши ўз уйларини ташлаб, хавфсиз жойларга кўчган.

Вьетнамда ҳам шу аҳвол. Ха Гьянг музофотида шунчалар кучли жала ёғмоқдаки, ундан ҳосил бўлган сел одамларни оқизиб кетмоқда. Куни кеча оқиб кетган 20 кишининг жасади ҳали топилмади.

Қозоғистоннинг Алмати вилоятида 140 та уй сув остида қолди. 700 гектар экинзорни сел ювиб кетди. Жамбул вилоятида эса бу рақам 500 гектарни ташкил этди.

ВОДИЙДА ЯГОНА

Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Наманган филиалида амалга оширилаётган кенг қамровдаги реконструкция ишлари поёнига етди. Бу ерда бир йўла 250 беморнинг даволаниши учун имконият яратилди. Ушбу шифо маскани энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани, хизмат сифатининг юксаклиги жиҳатидан Фарғона водийсида ягона маскан деб эътироф этилмоқда.

Йиғилганлар таъмир ишларининг бажарилишида жонбозлик кўрсатган «Наманганқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 5-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси, «Муллақирғиз ворислари» корхонаси ва бошқа бир қатор жамоаларнинг қўлигул усталарига ташаккур билдиришди.

Иштирокчилар муҳташам бинодаги замонавий жиҳозланган бўлимлар ва улардаги яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Филиалнинг гинекология бўлими мудири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ойшахон Кўчқорова жамоадошлари номидан сўз олиб, энди астойдил изланиб, сидқидилдан меҳнат қилишлари учун барча имкониятлар яратилганлигини айтиб ўтди.

Тақдимот маросимида Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов ва шаҳар ҳокими Аюбхон Раҳматуллаевлар иштирок этишди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қонун ҳаммага баробар

НОТЎҒРИ РЕКЛАМА ОҚИБАТИ

Ҳозир нима кўп? Реклама кўп. Телевидениеда турли шов-шувли сериаллар оралиғида тинимсиз берилаётган рекламалар томошабиннинг ҳаммасига ҳам ёқмаслиги бор гап. Аммо, бунга кўникма ҳосил қилиш керак. Балки шартдир. Негаки, давлатимизда реклама тўғрисида қонун қабул қилинган. Қолаверса, реклама берувчи ва рекламани тарқатувчининг манфаатдорлиги дегандай...

Аслида рекламага бўлган кўникмамиз шаклланиб бўлди, ўзи. Ҳозир бозор расталарида яхши маҳсулот излаб юрган харидорларнинг сотувчидан беихтиёр «фалон реклама қилинган кукун борми?» ёки «энг кўп рекламада кўрсатилаётган атир шуми?» деб сўраб-суриштираётганларининг гувоҳимиз.

Бу-ку, ойнаи жаҳондаги реклама. Вақтли нашрларда ҳам турли рекламалар баъзида бутун-бутун саҳифаларни эгаллайди. Балки пул тўлаб обуна бўлган муштарийга қайсидир ҳиссадорлик жамиятининг йиллик ҳисобот йиғилиши фалон куни ўтказилиши ҳамда ўша ташкилотнинг молиявий аҳволи ҳақидаги хабар-рекламанинг қизиғи йўқдир. Аммо, белгиланган қонунларга кўра, ҳиссадорлик жамиятлари ўз ҳисобот йиғилишлари ўтказилиши тўғрисида бир ой муқаддам хабар беришга мажбур. Чунки, ўша ташкилотнинг ақалли бир дона акциясини харид қилган фуқаро бундан бехабар қолса... адолат мезони бузилди, дегани.

Энди кўча-куйда ҳам турли ҳашамли рекламаларга кўзимиз ўрганиб улгурди. Ҳатто жамоат транспортларининг олди-ўнгида ҳам қайсидир фирма-корхонанинг маҳсулоти мақтови. Чиройли ёзувлар ва суратлар ёпиштирилган машина ёнингиздан ғизиллаб ўтади-ю, бир бора кўзингиз тушса... балки хотирдан чиққан юмуш — харид ёки харажат эсга тушади: «Ҳа, дарвоқе бугун уйга иккита «Кока-Кола» олишим керак эди-я..»

Бир қарашда кимдир хоҳлаганча реклама бериб, маҳсулотини осмонларга кўтариб мақтаб ётибди, кимдир бундан жарақ-жарақ пул ишлаб, кўнглига келган ишни қилмоқда. Ким нима реклама қилаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ гўё.

Аслида... мазкур қонун меъёрларини муҳофаза қилиб, ўзини «қозончи» қабилида тутаётганларни тўғри йўлга солаётган назорат органлари ҳам мавжуд... Шу ўринда Хоразм вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими томонидан йилнинг ўтган ярим йиллигида ўтказилган мониторинг кузатувларида аниқланган қонунбузилишларга эътибор беринг:

Вилоятдаги телевидениелардан бири Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида яшовчи фуқаро Қаҳҳор Хушбоқовни роса шиширириб мақтади. Гўё «жаҳонда тенги йўқ бу табиб ҳар қандай дардга даво топиб, қабулида бўлган беморни онасидан қайта туғилгандай қилиб қўярмиш...»

Рекламадан сўнг «машҳур» табибни излаб, Урганчга келган беморларнинг сон-саноғи бўлмади. Айни пайтда кўпчилик ёлғон рекламага чув тушишганини ҳам кейинроқ англашди.

Ҳудудий бошқарма ўтказган кузатувда фуқаро Қ.Хушбоқовнинг Урганч шаҳрида олиб бораётган табиблик фаолияти тўғрисидаги телевидение рекламасини Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонун (13-модда) талабларига зидлиги аниқланиб, нотўғри реклама, деб топди ва юқоридаги қонуннинг 29-моддасига кўра энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима солинди. Айни пайтда нотўғри реклама берган учун Қ.Хушбоқовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 178-прим моддаси, 2-қисми ва 268-прим моддалари бўйича маъмурий иш қўзғатилди, жаримага тортилди.

Вилоятда ташқи реклама воситаларининг жойлаштирилишида ҳам қонун талаблари бузилиши ҳолатлари учрамоқда. Кузатувлар давомида ташқи реклама ва транспорт воситаларида рекламани жойлаштириш тартиби борасидаги ҳукумат қарорига зид равишда 12 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳар хил ташқи реклама воситалари рўйхатдан ўтказилмасдан жойлаштирилгани аниқланди. Бу қонунбузарлар — «Даритал» қўшма корхонаси, «Урганч экскаватор» ҳиссадорлик жамияти, «Мирза-Р» фирмаси, «Хива Карпет» қўшма корхонаси, Хивадаги «Юлдуз» фотостудияси, «Шукуржон бону» хусусий меҳмонхонаси ва бошқалар. Ушбу қонунбузарлар ҳам қонунни бузганликлари учун тегишли жазога тортилдилар — еттита хўжалик юритувчи субъектга нисбатан энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима солинди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Буюклик манзиллари

БАДИИЯТНИНГ ИККИ МЎЪЖИЗАСИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНИ «АЛПОМИШ» ВА ҲИНД ЭПОСИ «РАМАЯНА»НИНГ ЎЗАРО ЯҚИН ҚИРРАЛАРИ ҲАҚИДА



Бирор-бир халқ маънавий салоҳиятига баҳо берганда, ўша миллатнинг инсоният бадиий тафаккурини бойитган нодир адабий мероси тилга олинади. Дарҳақиқат, унинг жаҳон халқлари ижодидаги салмоғи, даврга хос фикрлаш мезонини акс эттиргани, қолаверса, муайян миллатга дохил бўлган муштарак жиҳатларнинг бошқа халқлар ҳаётига, маънавият оламига, маданий хазинасига таъсир этиши адабиётнинг бемисл қудрати туфайлидир.

Ўзбек халқининг минг йиллик удумларини ўзида мужассам этган «Алпомиш» достони нафақат ўлмас хазина, балки асрлар оша бошқа адабий дораларга ҳам ўтаб келмоқда. Жумладан, жаҳон бадиий дурдоналарининг гўзал намунаси бўлган «Рамаяна» достони гарчи яратилиш жиҳатидан қадимийроқ бўлса-да, лекин унда илгари сурилган ғоялар мутаносиблиги ҳамда воқеалар мазмунининг ўхшашлиги ҳар иккала халқ адабиётларининг бир-бири билан ўзаро алоқаларидан далолат беради. Биз унинг айрим жиҳатларига урғу бермоқчимиз.

Аввало, «Алпомиш» ва «Рамаяна» достонлари ҳақида сўз кетганда, ҳар иккала достон теран миллий илдизларга эгалиги, ўтмишнинг энг нодир асарлари эканлигини эътироф этиш жоиз. Зеро, «Алпомиш» достони туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги сифатида бебаҳо дурдоналардан бири деб тилга олинса, «Рамаяна» достони қахрамонлик туркумидаги асарларнинг мукаммал намунасидир. Юқорида айтганимиздек, ўзбек ва ҳинд халқлари адабиётида, урф-одатлари ҳамда қадимий таълимотларида ҳар иккала халқнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари бир-бирига жуда яқинлиги эътиборга лойиқдир. Ушбу асарларда нафақат халқларимизнинг ўтмишдаги турмуш-турмуши, балки этник келиб чиқиши, қадим урф-одатлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Ҳар иккала асарнинг ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиши эса мазкур асарларнинг жаҳон ҳамжамиятида юқори баҳога муносиб эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Маълумки, ўзбек халқи ўртасида «Алпомиш» достони қадим даврлардаёқ жуда кенг тарқалган. У шоир ва баҳшилар томонидан халқ оғзаки ижодида мавжуд достончилик анъаналари авлоддан-авлодга ўтишида муҳим манба бўлиб келган. «Алпомиш» достони халқимизнинг қаҳрамонона ўтмиши, шарқона одоб-ахлоқи, анъана ва удумларини акс эттириш билан бирга, унда бошқа халқлар билан қардошлик туйғулари ҳам ўз инъикосини топган.

Ҳинд эли асрлар оша турли қарашлар бағрида шаклланиб, сайқал топган гўзал қадриятларига эга. Буни «Рамаяна» достони қаҳрамони Рамнинг мардонавор курашларда ифодаланган юксак инсоний фазилатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Унда ватанга муҳаббат, севгига садоқат, эзгулик, тўғрисўзлик ҳамда адолат ғоялари куйланади, зулм ва зўравонлик, риё, хиёнат каби иллатлар қораланади. Асар мазмунига «ёмонлик устидан албатта яхшилик, тинчлик ва адолат ғалаба қилади», деган фикр сингдирилган. Унда севишганларни бир-биридан жудо қилиш, ҳажр азоблари ҳамда бевафолик изтироблари ҳам катта бадиий маҳорат билан ифодаланган.

Энди эса «Алпомиш» ва «Рамаяна» достонларидаги воқеаларнинг айрим жиҳатлари билан бир-бирига жуда яқинлиги хусусида ҳам тўхталсак. Ҳар иккала достон ўз даврининг юксак дурдона асари эканлиги ҳисобга олинса, бу ўхшашлик замирида икки халқ маданияти, урф-одатлари ўртасида қадимдан узвийлик, ўзаро мувофиқлик бўлганлиги, жумладан, ушбу ҳолат адабий асар ғояларида ўз ифодасини топганига гувоҳ бўламиз.

Биргина мисол, «Алпомиш»да уруғлар ўртасидаги баъзи салбий муносабатлар асар воқелигининг бутунлай ўзгариб кетишига таъсир этган бўлса, худди шу ҳолат «Рамаяна» достонида ҳам учрайди. Жумладан, достон қаҳрамонларининг адолат йўлидаги жасоратлари бошқаларга ўрнак сифатида тасвирланади. Бундан ташқари, ҳар иккала достонда қамон отиш, чавандозлик эпизодлари, элни ёвдан қутқариш воқеалари ҳамда туғилиб ўсган юртга садоқат туйғулари ҳам асар сюжетини ташкил этган.

Юқорида келтирилганлардан фарқлироқ, ушбу асарларда яна бир қанча ўзаро ўхшаш жиҳатларни учратиш мумкин, бироқ ҳозир уларга тўхталиб ўтирмаймиз. Аммо яна бир томони, иккала халқ яратган асарлардаги қизиқарли воқеалар ва жозибадор ифода услуби ҳар қандай ёшдаги ўқувчига бирдай таъсир қилади. Улар Ватанга, ота-онага бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, ака-ука, ёр-биродарларнинг ўзаро аҳил муносабатларини тараннум этади. Бу каби ўлмас асарлар ҳар қандай халқнинг маънавиятини бойитувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Зеро, мана шу икки буюк ижод намунаси қадимийлиги ҳамда юксак инсоний туйғуларни куйлаши билан жаҳон адабий меросини юксалтириб турган саноқли асарлар ичида ғоят аҳамиятлидир.

Фахриддин СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Албатта, шахматчи бўлишимда буюк алломалар етишиб чиққан шу муқаддас заминда туғилиб-ўсганим, томиримда шу шавкатли миллат қони оқиб тургани, феъл-атворим халқимизга хос интеллектуал салоҳият, мустаҳкам ирода, шижоат, жасорат каби миллий хусусиятлар негизида шаклланганининг аҳамияти беқиёс, деб ўйлайман.

Нафақат шахс, балки халқнинг тараққиётида у яшаётган замин, ундаги маданий-маърифий муҳит, илм-фан, тафаккур олами нечоғли ривожлангани муҳим ўрин тутади. Мен Амир Темур, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби нене буюк зотлар учун муқаддас Ватан бўлган ўзбек диёрида туғилиб ўсганимдан фахрланаман. Доимо буюк аждодларимга муносиб авлод бўлишга интилиб яшайман.

— Сизнинг шахматчи бўлиб етишишингизда муҳим ўрин тутган оилангиз ҳақида гаплашсак.

— Оилам шахмат билан шуғулланишим учун доимо шарт-шароит яратиб берган. Ҳатто болалигимда машғулотларга ўзим боролмаган пайтларда акам мени кузатиб қўярди. Кейин бошқа шаҳарларга мусобақага йўл олсам, ойим вақтини қизғонмасдан, ишдан жавоб олиб, мен билан бирга борардилар. Яширмайман, баъзан омад келмасдан ёки кутилмаган мағлубиятлар аламидан тушкунликка ҳам берилиб кетган пайтларим бўлган. Шунда оилам, мураббийлар ва ёрдамчиларнинг ёрдами теккан.

Ҳозир ўзимнинг оилам — рафиқам Феруза ҳам мендан ҳеч қандай кўмагини аямайди. Чунки у ҳам спортчи. Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони, жаҳон чемпионати иштирокчиси. Мени яхши тушунади. Ўғлимиз бор. Унга Феруза Озар деб исм қўйган. Кўпчилик бу исмни қаердан топгансизлар, деб сурайди. Феруза Фирдавсийнинг «Рустам ва Суҳроб» деган достонида учратган экан бу исмни.

— Рустам, Сиз болалигингизда жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилган экансиз. Мана ниятга етдингиз.

— Ҳа, шундай. Лекин одамда орзу-ният, мақсад тугамас экан. Навбатдаги мақсадим Гарри Каспаровга қарши муносиб ўйин кўрсатиш. Ҳозирча бу ҳақида ўйлаётганим йўқ. Лекин яқинда Каспаров билан кўп ўйнаган шахматчи дўстларим ёрдамида унга қарши ўйин услубини топишга ҳаракат қиламан. Илгари ҳам у билан икки марта ўйнаганман. Жуда ёш бўлганим учун тажриба етишмаган.

Гарри Каспаров билан ўйинимга мезбонлик қилиши мумкин бўлган бир неча шаҳарлар орасида Тошкент шаҳри ҳам бор. Бошқа шаҳар танланса ҳам майли, чунки қаерда ўйнасам ҳам доимо халқимизнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб тураман.

ЎзА мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ суҳбатлашди

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ:

БУЮК АЖДОДЛАРИМГА МУНОСИБ БЎЛИБ ЯШАЙМАН

AFC ASIAN CUP CHINA 2004

МАҒЛУБИЯТДАН СЎНГ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Хитойда давом этаётган XIII Осиё чемпионати ўйинлари тобора қизғин паллага кириб бормоқда. Шу кунгача барча гуруҳлардаги жамоалар биринчи тур учрашувларини ниҳоясига етказишди. Дастлабки натижалар қитъа баҳслари олдидан қилинган башоратларни пучга чиқарди. Аксарият мухлис ва мутахассислар «А» гуруҳида Индонезия терма жамоасини аутсайдер сифатида эътироф этаётганди. Аксинча, илк турда Қатар терма жамоасига қарши майдонга чиққан индонезияликлар бу фикрни пучга чиқарди. Ҳар жиҳатдан рақибларига нисбатан чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этган Индонезия футболчилари дастлабки (2:1) уч очкони қўлга киритиб, гуруҳ пешқадамига айланди. Қатар терма жамоасининг мағлубияти бош мураббий франциялик мутахассис Филипп Трусьенинг истеъфога чиқишига сабаб бўлди.

«С» гуруҳидаги Саудия Арабистони — Туркманистон, «В» гуруҳидаги Жанубий Корея — Иордания терма жамоалари баҳсларида ҳам кутилмаган натижалар қайд этилди. Ўз гуруҳларида аутсайдерлар қаторига қўшиб қўйилган Туркманистон (2:2) ҳамда Иордания футболчилари (0:0) Осиёнинг донгдор терма жамоаларига муносиб қаршилик кўрсатиб, дастлабки очколарни қўлга киритди.

Сешанба куни «Д» гуруҳидан ўрин олган Япония ва Уммон терма жамоалари баҳсида киритилган ягона голга японияликлар Накамура муаллифлик қилди. Ғуломризо Иноятий, Жавад Некунам ва Али Дайи киритган тўплар Эрон терма жамоасига илк ғалабани туҳфа этди. Гарчи, таиландликлар йирик ҳисобда ютқазган бўлсалар-да, мухлислар меҳрини қозонди. Учрашувнинг 70-дақиқасигача ҳисоб очилмаганлиги буни исботлаб турибди.



Ушбу жуфтликлар баҳси билан гуруҳлардаги дастлабки тур ўйинларига якун ясалди. Хулоса қилишга ҳали эрта бўлса-да, жамоалар кучини чамалаб кўриш имконияти туғилди. Учрашувларни кузатганлар ниҳоят қитъамизда ҳам терма жамоалар имконияти тенглашиб бораётганини сезишган бўлишса керак. Жамоаларнинг тенг курашларда ўйнаётгани ва биргина йирик ҳисоб қайд этилгани фикримиз тасдиғидир. Жанубий Корея, Япония, Эрон ва Саудия Арабистони, Хитой каби қитъамизнинг етакчи терма жамоалари ҳам рақибларига нисбатан яққол устунликка эриша олмадилар. Ҳамма мағлубиятга учраши мумкин. Энди Ўзбекистон терма жамоасидан ҳам яхши натижалар кутишга ҳақлимиз.

Кеча кечқурун «А» гуруҳининг Баҳрайн — Қатар, Индонезия — Хитой терма жамоалари учрашуви ўтказилди. Бугун эса «С» гуруҳида Ўзбекистон терма жамоаси Саудия Арабистони футболчиларига қарши майдонга чиқади. Шунингдек, гуруҳдаги яна бир учрашув Туркманистон ва Ироқ терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО, Анвар САМАДОВ

Теннис

ФАРРУХНИНГ АВСТРИЯДАГИ ҒАЛАБАСИ

Австриянинг Крамсач шаҳрида теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири ниҳоясига етди. Мукофот жамғармаси 15000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур мусобақада дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан ракетка усталари ғолиблик учун кортга чиқдилар. Унда иқтидорли теннисчимиз Фаррух Дўстов Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Яккалик баҳсларида ҳамюртимиз барча рақибларини мағлубиятга учратиб бош совринг сазовор бўлди. Илк босқичда Фаррух аргентиналик Себастиан Уриартега қарши кортга чиқиб, рақибини икки сетда ҳам устунлик билан енгди — 6/2, 6/3. Нимчорак финалда вакилимизга мезбонлар ракеткачиси Константин Грюбер рўбарў келди. Биринчи сетда ғолиб тай-брейклардан сўнг маълум бўлди ва ҳамюртимиз Грюберни 7/6(5) ҳисобида ютиб танаффусга чиқди. Сўнгра ҳал қилувчи сетни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди — 6/2.

Сара саккиз теннисчи кортга чиққан чорак финалда Дўстов турнирнинг энг иқтидорли ракеткачиларидан саналган хорватиялик Иван Серович билан куч синашди. Муросасиз ўтган икки сетда ҳам ўзбек ўғлони зафар қучди — 6/4, 6/2.

Қуръага кўра, финалга йўлланма берувчи учрашувда Фаррух словакиялик Дарко Мадьяровскийга қарши ўйнаши кутилганди. Бироқ бундан олдинги баҳсда жароҳатланганлиги боис, словак теннисчиси кортга чиқишдан бош тортди. Эндигина ўн саккиз ёшга тўлган Фаррух Дўстов гарчи, финалга осонгина йўл олган бўлса-да, уни ҳал қилувчи учрашувда мусобақанинг биринчи ракеткаси Йоханнес Эйгер (Австрия) кутиб турарди. Финал баҳси ҳам кутилганидек, ниҳоятда муросасиз ва қизғин ўтди. Дастлабки сетда Эйгер рақибига нисбатан анча тажрибали эканлигини намойиш этиб, катта фарқ билан устун чиқди — 6/1. Асосий геймларда ҳисоб дуранг билан якунлангач, Фаррух тай-брейкни ютиб олди — 7/6(3). Тажрибали ракеткачига қарши муносиб ўйнай олган ҳамюртимиз ҳал қилувчи сетда яна маҳорат кўрсатди — 6/1. Ф.Дўстов ушбу чиройли ғалабасидан сўнг турнирнинг бош совриниби билан биргаликда «Ғалабага бўлган иштиёқи учун» деб номланган махсус мукофотни ҳам қўлга киритди.

Фаррух айни пайтда шанба куни Финляндияда бошланадиган халқаро турнирга ҳозирлик кўрмоқда.

Ражаб АЛИ

Интер-спорт

ОТА НОМИНИ УЛУҒЛАБ

Афсонавий боксчи Муҳаммад Алининг қизи Лайло Али яна бир ғалабага эришди. Иккинчи ўрта вазн бўйича рингга кўтарилган Лайло навбатдаги учрашувни америкалик Никки Эплион билан ўтказди. Учрашув бошидаёқ Лайлонинг қўли баландлиги сезилиб турди. Никки иккинчи марта кучли зарбдан йиқилгандан кейин ҳакамлар техник нокаут ҳисобида Лайлонинг қўлини кўтариб, унга ғалаба ёзишди. Лайло яна икки ҳафтадан кейин янги вазн — ярим оғир вазнлилар қаторида жаҳон чемпиони гайаналик Гвендолин О`Нилга қарши жанг қилади.

МУСОБАҚА ГЕРМАНИЯДА БЎЛАДИ

Халқаро футбол федерацияси 2005 йили ўтказиладиган Конфедерация кубоги учун кураш Германияда бўлишини тасдиқлади. Мусобақалар 15-29 июнь кунлари бўлиб ўтади. Учрашувларни Франкфурт, Ганновер, Кёльн, Лейпциг ва Нюрнберг шаҳарларида ўтказиш мўлжалланмоқда. Финал учрашуви ҳамда қуръа ташлаш маросимлари Франкфурт шаҳрида бўлади. Ҳозирданоқ беш иштирокчининг номи маълум бўлди. Улардан бири Германия терма жамоаси бўлиб, мусобақа мезбони сифатида қуръа ташлаш маросимида иштирок этмай, қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, Европа ва жаҳон чемпионлари Бразилия ва Греция жамоалари, Африканинг кучли терма жамоаси — Тунис футболчилари ҳамда КОНКАКАФ кубоги ғолиби бўлган мексикаликлар ана шундай имкониятга эга бўлишди.

ЭРОНЛИК УСТАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвонсаройида Эрон кулолчилик санъати кўргазмаси очилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Эрон Ислом Республикаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада эронлик санъат усталари Муҳаммад Маҳдий Анушвар ва Суҳайл Шаъбоний томонидан яратилган юздан зиёд гулдонлар, қандиллар, кўза ва лаганлар ўрин олди. Таъкидлаш жоизки, ҳар икки устанинг асарлари халқаро кўргазмаларда бир неча бор муваффақият қозонган.

Ислом мамлакатларининг ҳунармандлари бундан 800-1000 йиллар муқаддам сопол буюмларни олтин рангда сирлаш усулини билишган. Кўргазмада ўз асарларини намойиш этаётган усталар ижодида ҳам бу усул ўз ифодасини топган. «Парвоз», «Табиат мажмуи», «Семурғ» каби кўргазмага қўйилган бадиий композициялар айнан шу жиҳати билан томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Алишер АЗИМОВ,
«Туркистон-пресс»

Ҳикматли сўзлар маъноси

ОТИГА КУЧИ ЕТМАГАН — ШОТИНИ ТЕПКИЛАЙДИ

Буни мажозий маънода ўзидан зўрларга гапини ўтказа олмаган. улардан гап эшитган ё зарб еган одам бунинг аламини ўзидан кичик, ожиз бўлган одамлардан олса, уларнинг айби бўлмаса ҳам уришса, сўкса, койиса, урса — киноя тарзида қўллайдилар. «Исонинг аламини Мусодан олади» иборасини ҳам шундай одамларга нисбатан ишлатадилар.

ОТАНГ — БОЗОР, — ОНАНГ — БОЗОР

Бу мақолни бирор нарсани кўни-қўшнидан, таниш-билишдан ва ҳ.к. тополмай, овора бўлиб, бу ҳақда ҳасрат қилиб юрган одамга: «Бозорга боринг, топасиз. Бозорда йўқ нарсанинг ўзи йўқ», деган маънода айтадилар.

ОТ ТЕПКИСИНИ ОТ КЎТАРАДИ

«От тепкисини от кўтаради, Той тепкисини той кўтаради»; «От тепкиси отга ўтмас». Бу мақолларнинг мажозий маъноси шундай; «Тенгқурлар, дўстлар бир-бирининг қаттиқ-қурум гапларини кўтарадилар (ёхуд кўтаришлари керак)».

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 862
7307 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

ХАЛҚ БАНКИ

Янги «Совға» қисқа муддатли, пул-буюм ютуқли омонат турини амалиётга жорий этди.

Омонатга пул маблағлари 120 кун муддатга, камида 10000 сўм миқдорида Халқ банкнинг барча муассасалари орқали қабул қилинади.


Омонатчилар белгиланган фоиз даромадларни олиш билан бир қаторда «Сино» музлаткичи ҳамда пул ютуқларининг совриндори бўлиш имкониятига эга.

«Совға» омонати бўйича ютуқлар тиражи жорий йилнинг сентябрь ойида Андижон ҳамда 2005 йилнинг январь ойида Жиззах шаҳрида ўтказилади.

В связи с утерей штамп «Махсус касса №6» АББ «Трастбанк» просим считать не действительным.

Газетанинг навбатдаги сони 2004 йил, 27 июль сешанба куни чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru